

ЯНГИ ТАЙИНЛОВ



Мустофоқулов Имамназар Байназарович “Худудгазтаъминоти” акциядорлик жамияти “Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филали “Qumqo’rg’ontumangaz” газ таъминоти бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Шу муносабат билан Қумқўрғон туман газ таъминоти бўлимида таништириш тадбири бўлиб ўтди.

Туман ҳокими ўринбосари Ж.Шопўлатов “Qumqo’rg’ontumangaz” газ таъминоти бўлими бошлиғи лаозимида ишлаган Файзулла Хуррамов бошқа ишга ўтганлиги сабабли янги раҳбарни таништирди.

Маълумот ўрнида, И.Мустофоқулов 1973 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. 1995 йил Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институтини тамомлаган. Мазкур лавозимга тайинлангунга қадар “Худудгазтаъминоти” акциядорлик жамияти “Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филали “Jarqo’rg’ontumangaz” газ таъминоти бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритаётган эди.